

# 2019 йилнинг январь ойида “Ўзкимёсаноат” АЖ корхоналари фаолияти натижалари тўғрисида

// 05.02.2019

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/2019-yilning-yanvar-oyida-uzkimyosanoat-azh-korhonalari-faoliyat-i-natizhalari-tugrisida>

## **2019 йилнинг январь ойида “Ўзкимёсаноат” АЖ корхоналари фаолияти натижалари тўғрисида**

2019 йилнинг январь ойида “Ўзкимёсаноат” корхоналарида 535,5 млрд. сўмлик товар маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 122,7%ни ташкил қилди. Соф ҳолда 114,45 минг тонна минерал ўғитлар, шу жумладан 88,45 минг тонна азотли, 11 минг тонна фосфорли ва 15 минг тонна калийли ўғитлар ишлаб чиқарилди. Ҳисобот даврида биржа савдоларига физик ҳолда 361,78 минг тонна минерал ўғит чиқарилди ва шундан 208,62 минг тонна сотилди.